

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **II. Техник қисм**

### **III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда бўлиб, электрон тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиб бериш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматларнинг бошлангич нархи ва бажариладиган ишларнинг тафсилоти ТЕХНИК ТОПШИРИҚДА курсатилган.

Маҳсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати:

- Харидни ўтказилиши бўйича асословчи электрон ҳужжатларни тўлиқлигини ва тўғрилигини 3 иш куни давомида ўрганати ва эълонни платформага жойлайди.

- Платформага жойлаштирилган эълонга буюртмачининг асосли сўрови билан ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритади ва таклиф бериш муддати камида 10 иш кунига узайтирилади.
- Агар электрон тендер хужжатларида номувофиқлар аниқланган тақдирда, уларни буюртмачига қайтаради.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2. ТАНЛОВ БУЮРТМАЧИСИ**

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК (бундан кейин -“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.**

“Буюртмачи” манзили: **Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Бокуменко, 5 уй.**

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, 10 иш кун ичида ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

Танловда мулкчилик шаклидан катъи назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома, Низом нусхаси;
- Вилоят марказида жиҳозланган офисга эгаллиги тўғрисида маълумотлар;

Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танловда иштирокчиларининг техник малакавий талаблари мавжуд бўлмаса ёки улар тўғрисида маълумотлар киритмаса, берилган таклифлари рад этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- Танлов иштирокчиси:
  - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
  - Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
  - Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида беш кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътибор аниқ иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартмаслиги керак.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

№	Параметр номи	Максимал баллар
<b>1</b>	<b>Техник малакавий қисмни баҳолаш бўйича баллар микдори – ЖАМИ</b>	<b>80</b>
	ш.ж.	
	-Лицензия, Низом, гувоҳнома, инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд эмаслиги ҳамда ташкилот тўғрисида тўлиқ маълумот	20
	- Вилоят марказида жихозланган офисга эга бўлганлиги ҳамда жихозлар рўйхати,	20
	- Молиявий ҳисобот, қафолат хати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи маълумотлар	20
	-Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги (паспорт, диплом, <a href="https://mehnat.uz">https://mehnat.uz</a> дан QR кодли меҳнат дафтарчаси асл нусхасидан сканер килиниб, электрон жойлаштирилиши шарт)	20
<b>2</b>	<b>Таклиф этилаётган нарх- ЖАМИ</b>	<b>20</b>
	<b>Жами баллар:</b>	<b>100</b>